

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



БЕТАКРОРИМсан, ЯГОНасан, она ВАТаним – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, моҳияти ва аҳамиятини, халқимизга мансуб меҳр-оқибат, шукроналик ва бағрикенглик рамзи эканини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам – Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонида мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 24 сентябрь пайшанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2015 йил 24 сентябрь мамлакатимизда дам олиш кунини деб белгилансин ва байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тadbирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тadbирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 2015 йил 18 сентябрь.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Президентимизнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" номи китобида бағишланган маънавий-маърифий тadbир ўтказилди. Уни Вилоят халқ таълими ҳодимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

ДАСТУРИЛАМАЛ АСАР

Тadbирда "Асарда кеча ва бугуннинг қиёси, ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазиятга баҳо ҳамда галдаги вазифалар таҳлили", "Асарнинг тузилиши, мазмун-моҳияти ҳамда маънавий-маърифий аҳамияти" мавзуларида маърузалар тингланди.

– Ушбу асар билан танишиш жарёнида Ватанимиз истиклолга фидойи, шу замин ва халқнинг фаровонлиги, бахту иқболи, ёруғ келажаги учун ҳар қандай синов ва машаққатларга тайёр турган, улук мақсадларга эришишни олий саодат, ўз ҳаётининг мазмуни деб билган инсон, йирик давлат арбобининг бедор қалби, юрак ҳарорати, кенг тафаккури, мустаҳкам ирода ва эътиқоди билан яна бир бор таъсирландим, – деди Занги-

ота туманидаги 53-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбасари М. Худойназарова. – Энди бизнинг вазифамиз асарда илгари сурилган эзгу гоялар асосида ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдир.

Халқимизнинг тафаккур хазинасини бойитишга улкан ҳисса бўлиб қўшилган ушбу китоб мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини изчил давом эттириш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган янги-янги вазифаларни аниқ-равшан белгилаб беришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Тadbир қизиқарли савол-жавоблар билан якунланди.
Нозима РАҲИМОВА.

Пойтахтнинг Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Соғлом ва маънавий етук авлод – юрт келажаги" шиори остида "Болалар китоби" иккинчи республика фестивали ўтмоқда.

Мустақиллик йилларида адабиёт, маданият ва ноширлик соҳаларида эришилган ютуқлар ҳамда болалар адабиётини ривожлантириш, фарзандларимиз маънавиятини юксалтириш, қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлашга давлат сиёсати даражасида берилган эътиборни кенг жамоатчиликка етказиш, шунингдек, ўсиб келаётган авлодни миллий мустақиллик гоялари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънан баркамол қилиб voyага етказишда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада кенгайтириш, ёшларнинг миллий адабиётга қизиқишини ошириш, болалар учун мўлжалланган ижтимоий-бадний етук адабиётларни кўпайтириш ҳамда болалар адабиётига ихтисослашган нашриётлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадларига йўналтирилган фестиваль Вазирлар Маҳкамаси кўмағида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзувчилар уюмаси ҳамда "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фаолият юритаётган 111 та нашриёт ҳамда 1650 га яқин матбаа корхоналарида ҳар йили 3 мингдан зиёд номда 45 миллиондан ортиқ нусхада китоблар чоп этилмоқда. Нашриётларнинг эллиқдан



СОҒЛОМ ВА МАЪНАВИЙ ЕТУК ФАРЗАНДЛАР – ЮРТ КЕЛАЖАГИ

ортиги бевосита болаларга мўлжалланган адабиёт ва дарсликлар чоп этишга ихти-

сослашгани, юртимизда нашр этилаётган китобларнинг ҳар учтадан биттаси болаларга тааллуқли экани диққатга сазовор.

Фестивалга келган болалар ва уларнинг ота-оналари 60 дан ортиқ нашриёт ва матбаа корхоналарида чоп этилган китоблар билан танишиш ва сотиб олиш имкониятига эга бўлдлар.

– Барча фанлардан аъло баҳоларга ўқийман, – дейди Ангрен шаҳридаги 18-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Фарух Аширбоев. – Аммо, адабиётга қизиқишим бўлакча. Шу боис дўстларим билан фестивалга келдим. Бу ерда қизиқарли китобларнинг кўпчилиги ва

хилма-хиллиги мени жуда қувонтирди.

– Фарзанд тарбиясида китобнинг ўрни беқиёс, – дейди янгийўллик Алишер Раҳмонов. – Ўғлимга ёққан бир неча китобларни сотиб олдим. Бу ерда биз каби иштирокчилар учун яратилган қулайлик ва шароитлардан мамнунмиз.

Сайил тарзида ташкил этилган фестиваль доирасида Президентимизнинг сўнги йилларда нашр этилган асарлари кўргазмаси, нуфузли халқаро китоб кўргазмаларида совринли ўринларни эгаллаган адабиётлар тақдими бўлиб ўтди. Шунингдек, "Энг яхши ёш китобхон", "Китобхон оила", "Менинг биринчи китобим", "Ат-

роф олам муҳофазаси – саломатлик гарови", "Мўъжиза эмасдир фалакда офтоб, мўъжиза аслида беминнат китоб" ҳамда "Китоб – энг яхши совга" мавзуларида интеллектуал ўйин ва викториналар, "Китоб ўқини ёқтирасизми?" мавзуида ижтимоий сўровнома ўтказилди.

Боғда намойиш этилган Республика ёш томошабинлар ҳамда Давлат қўғирчоқ театрлари спектаклларида саҳна кўринишлари, қуй ва қўшиқлар болаларда катта таассурот қолдирди.

Авазбек ХУДОЙКУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган суратлар.



БИЗНЕС АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доиралари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташкил этган тadbир икки мамлакат компаниялари ўртасидаги савдо-сотиқ ва инвестиция ҳамкорлиги янада ривожланишига замин яратяди.

Тadbирда икки давлат ҳамкорлигида иқтисодиётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ижроси, шунингдек, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш масалалари муҳокама этилди.

– Бу каби кооперацион биржанинг ташкил этилиши иқтисодиётнинг турли йўналишларида бизнес алоқалар кенгайишига туртки бўлмоқда, – дейди Жанубий Кореянинг Носо Ltd компанияси ижрочи

директори Ли Буш Хил. – Бу Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўзаро манфатли ҳамкорлигини янада яхшилайди.

Жанубий Корея билан алоқалар янада кенгаётганини Корея республикасининг 80 та компанияси мамлакатимизда ваколатхона очгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шунингдек, давлатимиз Жанубий Кореяга озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва ускуналар,



минерал ўғит ва кимё маҳсулотлари экспорт қилаётган бўлса, Корея механик ва электрон ускуналар, пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, қора металл импорт қилаяпти.

Айни пайтда икки мамлакат ўртасида 200 дан ортиқ битим имзоланган. **Ирода МАКСУДОВА,**
Қобилхон ҒОФУРОВ
олган сурат.

Қонун ва ижро

ТИНЧ-ОСОЙИШТА ЯШАШ – ЭНГ ОЛИЙ ҲУҚУҚ

Инсоннинг энг олий ҳуқуқларидан бири тинч-осойишта ҳаёт кечиришдир. Мустақиллик йилларида фуқароларимизнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида қонунчиликнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ва баррикенглик мустаҳкам қарор топди.

Ўзбекистон олиб бораётган сиёсат дунёда тинчликпарвар сиёсат сифатида баҳоланмоқда. Мамлакатимиз турли таҳдид ва хавфларнинг юртимизга, Марказий Осиё минтақасига тарқалишига самарали тўсиқ бўлаяпти. Давлатимиз глобал миқёсда тинчлик ҳамда хавфсизлиги таъминлашга қаратилган деярли барча халқаро ҳужжатларга қўшилган. Халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида БМТнинг барча 13 та конвенцияси республикамиз томонидан ратификация этилган. Ўз навбатида тинчлик, осойишталик ва барқарорлиқни таъминловчи

муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Президентимиз ташаббуси билан Марказий Осиё минтақаси ядро қуролидан ҳоли ҳудуд деб расман эълон қилинди. Айни чоғда Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасида ўзига хос қатъий ёндашувга эга бўлган мамлакат сифатида эътироф этилмоқда. Ўртимиз Афғонистонга ҳарбий ёрдам, яъни қурол-яроғ, аслаҳалар етказиб бераётган давлат эмас, балки жафокаш афғон халқининг қаддини ростлаб, тиланишига ҳар томонлама қўмак кўрсатаётган мамлакат ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Маҳаллада тadbиркорлик

АВЛОДДАН АВЛОДГА ЎТАЁТГАН ХАЗИНА

Бундан чорак аср муқаддам тайинли дурадгори бўлмаган Бўка туманидаги "Олтиш" маҳалласининг донги бугун бетакрор эшик-ромлари, сандигу қутилари, харидорларни маҳлиё қиладиган мебеллари билан Бекободдан Окқўрғонгача, Пискентдан Сирдарёгача ёйилди. Айниқса, Саидном Маҳмудов ҳақида гап очилганда:

Ушанда яхши ниятлар билан иморат қурган Саидном эшик-ром ўрна-тишга келганда роса сар-

сон бўлди. Бўкадек катта жойда ром ясайдиган бирорта уста бўлмаса-я. Пойтахт олис. Узоқ вақт

"Ҳақиқий кўлигул уста. Ҳатто оддий ёғочни ҳам "сайратворида" дейишади. Бу ҳолис баҳо. Мустақиллик шарофати билан якка тadbиркор темирчилик, омон ясаш каби хунарлар билан шуғулланган ота-боболари изидан бориб, ёғоч хунармандчилигини ривожлантиришга бел боғлади. Бунга сабаб...

сарфлаб борганига яраша иши тезда битса қошқийди. Дурадгорларнинг ҳам буюртмаси кўп бўла-

ди, пайсалга солиши ташин. Худди шу нарса Саидномни эшик, ром ясаб, маҳалладошлари

корига ярашга ундади. Кўп ўтмай, ишлари юришиб кетди, аввал маҳалласи, кейин қишлоқ, ундан сўнг тумanning турли бурчакларидан у ясаган эшик-ромлар таърифини эшитиб, буюртма берувчилар оқиб кела бошлади. Бугунги кунда фарзандлари Ойбек, Ибро-

ҳим, Саидрахмон ҳам отаси ёнига кириб, эшик, ром, сандиқ, қути, хонтахта, зина қўғирчоқлари, қаравот, арғимчоқ каби дурадгорлик буюмлари ясагининг ҳадисини олишган. Янги дизайнлар яратишда катта ўғил Ойбекка етадигани йўқ.

Маҳаллада тадбиркорлик

АВЛОДДАН АВЛОДГА ЎТАЁТГАН ХАЗИНА

— Ҳаёт янгиланишдан иборат, — дейди у. — Замонавий уйлар қурилатган бугунги кунда дурадгорлик буюмлари ҳам шунга мос бўлиши керак. Изланган устагина буюртмачиларга эга бўлади.

Айтмоқчи, устанинг фарзандлари уйларга пластик панеллар қоқишни ҳам рисоладагидек бажаришади. Хонадон келинлари эса бўш пайтларида турмуш ўртоқлари-га камарбаста, сандиқ ва кутиларни бўяшда уларга тенг келадигани йўқ.

Шу кунгача 30 дан ортиқ шогирд етиштирган С. Махмудов бу ишга маҳалла болаларини ҳам жалб этади. Ҳозир 6 шогирди хунар ўрганмоқда. Баҳорда иккинчи устахона очилгач, муқим иш билан бандлар 9 кишига етди.

"Иш қурилиш саз бўлса, машаққатинг оё бўлар", деб бежиз айтишмаган. Авваллари дастгоҳлар ҳар томонда бўлиб, усталарнинг анча вақтини оларди. Ойбек бунинг ҳам йўлини топди, дастгоҳларни бирлаштириб, ягона мотор ўрнатиб, ишни конвейер усулда ташкил этди. Энди 6 ишчи битта столда ишлашади.

Дурадгорлик хом ашёси ҳисобланмиш ёнғок, чинор ва четдан келтириладиган дарахт ёғочларини.

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг бир бўлагини ҳам исроф қилмай, қолган-қутганларидан яшиқлар ясашни йўлга қўйган уста келгусида болалар учун стол-стуллар ишлаб чиқаришни мақсад қилган.

Маҳалланинг яна бир хунарманди — янги келин Висола Қосимова. У тўрт йилдирки, тикувчилик билан шуғулланади, қорхона очиб, 4 хотин-қизни иш билан таъминлади. Бундан ташқари, 15 мактаб ўқувчисига шу касбни ўргатмоқда. Висола яратган дизайнлардан тикилган кийим-кечақлар, тўй либослари, келинлар сарполари бежиримлиги, чиройли кўриниши билан буюртмачилар кўпайишига хизмат қилаётти. Замонавий пардалар эса келинлар уйини безамоқда. Висола кредит олиб, ишини янада кенгайтириш ниятида.

2000 йилда сандиқ, ётоқхона, меҳмонхона мебели ясашни йўлга қўйган Ҳусанбой Эшматовнинг хунарини бугун фарзандлари давом эттирмоқда. Улуғбек сандиқ ясашга жон-дили билан киришган, Ойбек эса эски меbellарни таъмирлаш билан шуғулланади. Уларнинг беш нафар шогирди бор.

Биз "Олтиш" маҳалласида фаолият юритаётган 30 дан ортиқ хунарманднинг 3 нафари ҳақида



қисқача хикоя қилдик холос. Бу хунармандларнинг маҳсулотидан наинки маҳалладаги 985 хонадон, балки қишлоқ, туман, вилоят ва пойтахтдаги бошқа оилалар ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Маҳаллада хунармандчиликнинг ривожланиши кўплай йиллар, хотин-қизларни муқим иш билан таъминлаш имконини бермоқда.

— Хунармандлар сафига тадбиркорлар ҳам қўшилиётганидан мамнунмиз, — дейди маҳалла

фуқаролар йиғини раиси Маъмур Бердиев. — 7 фермеримиз, 12 чорвадоримиз эл дастурхонини ноз-неъмат маҳсулотлари билан тўкин қилмоқда. Учта қўлда балиқчилик ривож топмоқда. Бу йил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш шахобчалари, чойхона очилди. Хуллас, маҳаллада ишлайман деган одамга иш етарли.

Давлатимизнинг хунармандчиликни ривожлантиришга катта эътибори

исботини мазкур маҳалла мисолида яна бир бор кўрдик. Хунармандлар ўз меҳнатлари, яратиб берилган шарт-шароитлар, имтиёزلардан мамнун бўлиб сўзладилар. Хунармандчилиги равақ топган юртнинг эса келажақ авлодга қолдирадиган миллий бойлиги бисёр бўлиши шубҳасиз.

Нозима АРСЛОНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Қобилжон ҒОФУРОВ
олган сурат.

ХУНАРМАНД МЎЪЖИЗАЛАРИ

Оддий маҳаллий гипсдан амалий санъат намуналарини яратётган, замонавий уй-жойлар учун миллий руҳда безак ва ганч маҳсулотлари ишлаб чиқараётган Ёқубжон Усмонов саккиз йил бурун туман марказида устахона очган эди. Бугун унга кўпчилик ҳавас қилмоқда. Бу бежиз эмас. Унинг қўлидан чиқаётган маҳсулотларнинг довриги нафакат Чиноз ва қўшни Янгийўл тумани, балки пойтахтга ҳам етиб келди.

— Гипсдан бирор буюм ясашнинг ўзига яраша сир-асрорлари бор, — дейди Ё. Усмонов. — Ундан оддий гуллардан тортиб, замонавий уй-жой, маъмурий бино ҳамда маданият ва спорт муассасалари учун турли ҳажмда безаклар тайёрлаш мумкин. Бунинг учун излашни, тажриба ва, албатта, маҳорат керак бўлади. Ҳозирги кунда цехимизда 200 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Биз талабнинг ортиб бориши муносабати билан олдиндан буюртмалар қабул қилишни йўлга қўйдик. Айни пайтда савдо дўкони мизини очини ҳам режалаштирмоқдамиз.



— Хунарга меҳр қўйган одам кам бўлмайди, — дейди Ё. Усмонов. — Бугун бизга касб-коримизни ривожлантириш, шунинг орқасидан даромад олиб, ҳаётимизни янада фаровон қилиш учун ҳамма шароитлар бор. Мен шогирдларимга имкониятлардан тўғри ва самарали фойдаланиб, меҳнат қилишни ўргатмоқдам.

Юлдуз ИСАЕВА.
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

ОРТИҚЧА ЖАРИМА ҚАЙТАРИЛДИ

Вилоят прокуратураси вилоят ҳўжалик судига ишлар қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш жараёнида тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Жумладан, даъвогар Бўстонлик тумани давлат солиқ инспекцияси

Суднинг 2015 йил 20 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилиб, жавобгар "Iskander perud grand" МЧЖга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 114-моддаси 1-қисмига асосан 37.452.500 сўм, 2-қисмига кўра 70.248.000 сўм, жами 107.700.500 сўм миқдоридида жарима қўлланилди.

Иш ҳужжатларидан аниқланишча, вилоят прокуратураси томонидан қўзғатилган жиноят ишига асосан республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК департаменти вилоят бошқармасининг 2014 йил 21 августдаги "Ҳужжатли тафтиш ўтказиш ҳақида"ги қарори асосида "Iskander perud grand" МЧЖ фаолиятида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ҳужжатли текшириш ўтказилди. Текшириш натижалари юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатларни Бўстонлик тумани ДСИ кўриб чиқиб, жавобгарга Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан жами 107.700.500

ҳўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар "ISKANDER NERUD GRAND" МЧЖга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан жами 107.700.500 сўм миқдоридида жарима қўллашни сўраган.

сўм миқдоридида молиявий жарима қўллаш ҳақида қарор қабул қилган ва жавобгарни белгиланган жаримани ихтиёрий равишда тўлаб бериши тўғрисида огоҳлантирган.

Жавобгар томонидан жарима ўз вақтида тўланмаганига важи билан Бўстонлик тумани давлат солиқ инспекцияси вилоят ҳўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар "Iskander perud grand" МЧЖга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан жами 107.700.500 сўм миқдоридида молиявий жарима қўллашни сўраган. Гарчи, "Iskander perud grand" МЧЖ раҳбарлари томонидан дастлабки тўғри ва суд жараёнида молиявий жариманинг асосий қисми тўланган бўлсада, суд томонидан асоссиз равишда даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилган.

Ушбу ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси 2015 йил 21 апрель кун вилоят ҳўжалик судининг мазкур ҳал қилув қарори-

ТИНЧ-ОСОЙИШТА ЯШАШ — ЭНГ ОЛИЙ ҲУҚУҚ

Дунёда энг бебаҳо неъмат — тинчлик ва ҳавфсизлик таъминланганлиги учун ҳам юртда бунёдкорлик жадал сурьатларда давом этмоқда. Шу маънода мамлакатимиз раҳбарининг дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича аниқ ташаббуслари халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда.

Бу биз қабул қилаётган қонунларда ҳам ўз аксини топмоқда. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида" (1999), "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида" (2000), "Терроризмга қарши кураш тўғрисида" (2000), "Мудофая тўғрисида" (2001), "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" (2002), "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервдаги хизмат тўғрисида" (2003) ва "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги (2012) қонунлар қабул қилинди. Улар мамлакатимизда тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлашда, ҳаётимизнинг бар-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ча соҳаларида барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида халқаро ва минтақавий ҳавфсизлик масалаларини тинч йўл билан ҳал қилишга катта эътибор қаратмоқда.

Бундан ташқари, аср вабоси ҳисобланган терроризм, диний экстремизм ва ғиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш, Марказий Осиё ҳудудидаги экологик муаммолар бўйича Ўзбекистон томонидан билдирилган қатор тақлиф ва ташаббуслар халқаро ҳамжамият эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Хукуматимиз томонидан тинчликсевар сиёсат олиб борилиши ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслиги, ҳар қандай давлатлараро тузилма ҳарбий-сиёсий блокга айланидиган бўлса, ундан чиқиб ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиши Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясида аниқ қайд этиб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси ўзининг қўшни давлатлар-

даги қуролли зиддиятларга ва танг вазиятларга тортилишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз ҳудудида ҳорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, "Мудофая тўғрисида"ги Қонунга ва мамлакатимиз Қуролли Кучларининг Ҳарбий доктринасини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Чунки, бу сиёсат замирида оналарнинг кўнгил хотиржамлиги, болаларнинг омонлиги, оталарнинг бағри бутунлиги, юртнинг дорилармонлиги кафолатланган.

Акмал УМАРАЛИЕВ,
Олий Махлиес
Қонунчилик палатаси
депутати.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ НАТИЖА БЕРМОҚДА

Қонун устувор жойда тараққиёт барқарор давом этади. Ҳар қандай масаланинг ечими қонунлар асосида ҳал этилиб, уларнинг ижро масъулияти одатда

депутатларга ҳам юклатилади. Бунда депутат ўз ваколатларидан фойдаланиб, электоратга яқиндан ёрдам беришга ҳаракат қилмоғи лозим.

Хукумат қарорлари ижроси юзасидан депутатлик ҳамда жамоатчилик назорати ҳақида "Миллий тикланиш" демократик партияси Зангиота тумани кенгаши депутати Мурод Мирзахалиловга мурожаат қилдик.

— Ҳар бир депутатнинг ҳаётда ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари бўлади. Аввало мен электорат ишончини оқлашга ҳаракат қилаяпман. "Файзобод" маҳалласидида Дадил кўчасида 700 метр масофага асфальт ётқизилди. Охунбобоев ва К. Ғофуров кўчаларининг чорраҳасида светофор ўрнатилди. Қизғалдоқ қишлоғи Муҳаммад Юсуф кўчасида яшовчи Холмат Турғунов ногиронлик аравачаси сўраб, ариза билан мурожаат қилган эди. Туман касабая уюшмаси кенгаши раиси Ортиқхўжаевга депутатлик сўрови билан чикдим ва Х. Турғуновга ногиронлик аравачаси

олиб берилди. Бундан ташқари, соғлигини тиклаш мақсадида мурожаат қилган уч фуқарога "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ҳайрия жамғармасидан маблағ ажратилди.

"Эъзоз" маҳалласи, Фуқрат кўчаси, 27-уйда яшовчи А. Тожибоев хонадонига ноқонуний ичимлик суви тармоғи ўтказилганлиги аниқланиб, бу масалада "Мусаффо оби ҳаёт" масъулияти чекланган жамиятига депутатлик сўрови билан мурожаат қилдим. Аниқланган ҳолат бўйича А. Тожибоев иштирокида далолатнома тузилиб, ичимлик суви тармоғи узиб ташланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида қурилатган

намунали уйларга эга бўлиш масаласида ёш оилалар ариза билан мурожаат қилишган эди. Мазкур масала ҳам депутатлик сўрови асосида ижобий ҳал этилди.

Рамозон ҳайити арафасида кексалари ва ногиронлари бор 47 та хонадонга тўрт номдаги (шакар, ёғ, ун, гуруч) маҳсулотлари бепул тарқатилди. Шахсий ташаббус кўрсатиб, "Соғлом авлод учун" жамғармаси билан ҳамкорликда 160 нафар кексаларга "Нейромедин" дори воситаси бепул берилди. "Кексалар доимо эъзозимизда" лойиҳаси доирасида "Улуғларни улуғлардан юрт" мавзусидаги тадбирда иштирок этдим ва ҳомийлар ёрдамида ҳудуддаги онахон ва ота-хоналарга байрам дастурхони ташкил этиб, совғалар улашдик.

Сухбатни "Тошкент ҳақиқати" мухбири Наргис ҲАСАНОВА ёзиб олди.

101 огоҳлантиради

МУЛҚ КУЛГА АЙЛАНМАСИН

Олов учун мулкнинг катта-кичиги бўлмайди. У аланга олгач, ҳар қандай қимматли мулк кулга айланиши мумкин. Шундай ҳодисаларнинг содир бўлмаслиги учун ИИБ ЕХБ ёнгина қарши қўйидаги чора-тадбирларга риоя қилинишини сўрайди:

— газ ўчоқлари жойини ўзбошимчилик билан ўзгартириш тақиқланади;
— уйдан чиқиб кета туриб, газни ўчиришни унутманг;
— болаларни уйда ёлғиз қолдирманг;
— махсус рухсатсиз қўшимча хона, гараж ва бошқа қурилиш ишлари бажарилиши ман этилади;
— электр ўлчов мосламалари-

да қўлбола ускуналар, сақлагичлардан фойдаланманг;
— уйнинг ёнғунчи қисмларидан (айвон, том, бўғот, шифт) электр қувватини ўтказувчи симларни махсус қопламалар (елим енг, труба) ичиндан ўтказманг;
— бензин, бўёқ, керосин каби тез ёнғунчан моддаларни темир идишларда, болалар қўли етмай-диган жойларда сақланг;
— унутманг, ўринда ётиб чекиш ҳаёт учун ҳавфлидир.

Ҳар биримиз ёнғун ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилишда масъулиятимизни оширайлик. Бу билан ўз ҳаётимизни ҳамда шахсий мулкимизни ёнғун офатидан асраган бўламиз.

Рафаел ДАВЛАНОВ,
12-ҲЕҲО 12-АП бошлиғи.

ТАЖРИБА ДОИМ КЕРАК

Ўт ўчириш қисмлари фаолияти билан яхши таниш киши кўз ўнгиди чинакам ҳарбий интизомга бўйсундирилган ва касб малакасини чуқур ўзлаштирган фидойилар намоён бўлади.

Шахсий таркибининг жанговар ва касб малакасини ошириш, ҳарбийлаштирилган қисмларда мунтазам ўқув-машғулоти ўтказиш, фавқулодда ҳолатларда офатларни бартараф этишга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуктаи назардан ўтган вақт мобайнида Тошкент шаҳар ИИББ ЕХБ раҳбарияти республика Ички ишлар вазирлигининг барча буйруқ ва кўрсатмаларига амал қилиб, ёнғунни ўчириш гарнизони шахсий таркибини касбга тайёрлаш,

ҳарбийлаштирилган хизмат фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Қисмларда жанговар ва жисмоний тайёргарлик машқларини мунтазам ўтказиш, шахсий таркибининг малака ва тажрибасини ошириш, техник воситалардан фойдаланишни ўргатиш, ҳудудларда юз бераётган ёнғунларни тез бартараф этишда муҳим омил бўлмоқда.

Бобомурод СОБИРОВ,
12-ҲЕҲО 3-АП
катта инспектори.

ЯНГИ ТҶЙХОНА

Пискент тумани Муротали қишлоғида 550 ўринли замонавий тўйхона ишга туширилди.


Қишлоқда кўп йил болаларга таълим-тарбия бериб, пенсияга чиққан тадбиркор Суроб Боймоқов ташаббуси билан ташкил этилган "Рисолат она" тўйхонаси маҳаллий аҳоли тўй-шамани, маърака ва маросимларини ўтказиши учун хизмат

қила бошлади.

Шунингдек, йилдан-йилга ўз фаолиятини кенгайтириб бораётган тадбиркорнинг учта савдо дўкони ҳам аҳолининг узоғини яқин қилмоқда.

Умида
ҲИДОЯТХҲАЕВА.

Китоб жавонингизга



Вилоятимиз ижодкорларига шоирона, табиати, инсоний фазилатлари, кўнгилли суҳбатлари, адабиётга, шеърятга меҳри, бир қатор шеърӣ тўплamlари билан яхши таниш, кекса журналист Абдулла Маъди-

БЕҒУБОР САТРЛАР

Аждодларга муносиб фарзанд бўлиш орзу-си, улардан фахрланиш, ифтихор туйғуси инсонни ҳамиша интилиш, изланиш, яратувчанликка чорлайверади.

ев ҳам ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, шеърятининг етук намоёндаларидан бири бўлган бобо-си Юсуф Сарёмийнинг ижод йўлини давом эттираётганидан фахрланади. Яқинда унинг "Умрим зарварақлари", "Зулматдан зиё", "Етти ота", "Бобом – фахрим менинг" каби тўплamlари қаторига яна бир янги китоби қўшилди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг 24 йиллигига бағишлаб ёзилган шеърӣ тўплaмини

"Ватан ширин" дея номлабди. Китоб ҳақида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Ашурли Боймурод шундай дейди:

"Абдулла ака салкам ўттиз йилдан буён "Оқ-қўрғон овози" газетасига муҳаррирлик қилиб келаяпти. Тахрибали журналист ва шоир сифатида доимо эл назарига. Шогирдлари у кишидаги самимиликни, камтарин ва камсукумлигини беҳад қадрлашади. Зо-

тан, шоирнинг шеърлари-ни ўқисангиз, ўзи каби сатрлари ҳам беғубор, халқона ва юракка яқин эканига амин бўласиз..."

Дарҳақиқат, шоирнинг шеърларини ўқиганингизда муаллифнинг юрак тафти, қалб ҳароратини сезасиз, аллақандай таниш, илиқ туйғуларга ошно бўласиз:

*Ватан, кўйингиздаги
онларим ширин,
Кўёшда тобланган
донларинг ширин,
Келинлар пиширган
нонларинг ширин,
Бундай гўзал Ватан
яна қайда бор?
Фақат Ўзбекистон
деган жойда бор.*

Бу каби сатрларда ўз юрти, Ватанига бўлган меҳр-муҳаббат, садоқатни куйлаб, одамларни бугунги дориламон кунларга, тўқчилик, фаровонликка шуқр қилиш, қадрига етишга ундайди. Муҳими, ҳар бир шеърда самимилик буй кўрсатиб туради.

*Гуллар атрин,
Диллар сатрин,
Бахш этайин халқимга,
Чунки улар илҳом берар
Доим менинг қалбимга.
Мен бир ниҳол
Қолсам беҳол,
Халқим куч бахш этади.
Шунинг учун
бутун умрим
Куйлаш билан ўтади.*

Журналист Абдулла Маъдиев шеър ҳақида сўзлар экан: "Мен кўнгил кечинмаларимни изҳор

етиш учун шеър ёзаман, ҳеч қачон шоирликни даъво қилган эмасман. Шунинг учун машқларимда номукамаллик сезилса, азиз мухлисларимдан узр сўрайман..." дейди.

Умуман, "Наврўз" нашриётида чоп этилган ушбу тўплaмдан жой олган шеър, дoston, ҳикояларни ўқир экансиз, инсон ҳаётининг турли даврларидаги кечинмалар, Ватан, ота-она, дўст, ёр-биродарлар, касбдошлар, фарзандларга чексиз меҳрни, "100 йил", "Етти ота" каби эртақ, шажара дostonларида эса, ўзлигини англаш, авлод-аждодларга ҳурмат-эҳтиромни ҳис этасиз.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Самбо

ТАНИҚЛИ СПОРТЧИ, МАҲОРАТЛИ МУРАББИЙ

Бекобод шахрилик Равшан Тўракуловнинг спорт соҳасида эришган ютуқларига кўпчилигининг ҳавас қилиши табиий. Тасаввур қилинг, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида 6 карра Ўзбекистон чемпиони, "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари ғолиби, 2006 йилги Жаҳон ва Осиё чемпионатларининг олтин медаллари эгаси, халқаро тоифадаги спорт устаси унвонлари соҳиби... Бу рўйхатни узок давом эттириш мумкин.



Отаси шаҳардаги "Алпомиш" кураш клубига етаклаб борганида у ўн икки ёшда эди. Курашнинг самбо тури билан шуғуллана бошлади. Ундаги юксак иқтидор, сабр-тоқат ва чидамга нафақат тенгдошларини, балки мураббийлар ҳам тан беришди. Тез орада самбонинг ўзинга хос услубларини ўзлаштириб олди.

У дастлаб шахар, вилоят мусобақаларида иштирок этиб, ғолиблар сафидан жой олди. 2006 йили пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон очик чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб, мураббийлар эътиборини тортди. Шу тариқа унинг ҳаётида янги саҳифа бошланди. У олти бор республика чемпионатида ғолиб чиқди. Натихада мамлакат ўсмирлар ва ёшлар терма жамоасига қабул қилинди.

2006 йилда Москвада бўлиб ўтган ёшлар ўртасида Жаҳон ҳамда ўша йили Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатларида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси таркибига қатнашган Р. Тўракулов яхшилик баҳсларида ўз вази тоифасида дунёнинг кучли спортчилари орасида тенгсиз эканини исботлаб, олтин медалларни қўлга киритди. Шунингдек, Греция, Сербия, Корея ва


бошқа қатор мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда эришган муваффақиятлари Равшаннинг етук спортчи сифатида танитиди. Спорт соҳасида эришган ғалабалари учун 2010 йилда халқаро тоифадаги спорт устаси унвони берилди.

Бугун Равшан нафақат таниқли спортчи, балки маҳоратли мураббий бўлиб ҳам улғурди. Бир неча йилдирки, ўзи тарбия олган "Алпомиш" кураш клубида ёшларга сабоқ бермокда. 2015 йил унинг учун, айниқса, кувончи келди. Икки шогирди вилоят ва республика чемпионатларида иштирок этиб, нуфузли ўринларни қўлга киритди.

– Юртимизда ёш авлод камолотига, ҳам илм олиб, ҳам спорт билан шуғулланишларига қаратилаётган алоҳида эътибор улар тарбиясида муҳим омил бўлмокда, – дейди Равшан Тўракулов. – Айниқса, жойларда янги-янги спорт мажмуалари ва ўйингоҳлар бунёд этилаётгани аини мудоао. Зеро, бўлғуси чемпионлар шу масканлардан етишиб чиқади.

Юлдузxon
МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.
Даврон АХМАД
олган сурат.

Рассом хандаси



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзили:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Қабулхона:

Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85

233-38-23, 233-48-08.
233-56-03, 233-65-59.
233-54-10.

Тошкент вилоти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер маъруза тариқли ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ

Навбатчи
Наргис ҲАСАНОВА

Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма S-3948.

Адади 8089.

Баҳоси келишилган нархда

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қозғ бичими А-2.

ISSN 2010-9318.



ЭНГ БАЛАНД ЧЎҚҚИ ПАСАЙДИ

Монблан Альп тоғида энг баланд чўққи, шунингдек, Европа қитъасининг энг юксак нуқтаси сифатида маълум ва машҳур.

Табиат мўъжизасини кўрингки, чўққилар баъзан бироз бўласада узаиб ва аксинча, пасайиб турар экан. Хусусан, экспертлар Монбланни охириги марта ўлчашганда, баландлиги 4808 метр 73 сантиметр бўлган. Кейинги икки йил давомида эса чўққи 1,30 сантиметрга пасайган.

Буни қарангки, ушбу табиат мўъжизасининг юз бериши Альп тоғларида қор қай даражада кўп ёки оёғишига боғлиқ экан. Мутахассисларнинг айтишича, агар қор қалин ёғиб, кучли шамоллар бўлмаса, чўққи баландлигини бирдек сақлаб қоларкан.

ЎН ТОННА АЖАЛ УРУҒИ

Испаниянинг жанубидаги Алмерия вилотида қирғоқларига яқин жойда сузиб бораётган елканли кема ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари диққатини ўзинга тортди.

Кеманинг шубҳали кўринишига сабаб шуки, у бортига нийҳатда кўп юк ортилгани боис аранг сузиб боради, чўқиб кетиш хавфи яққол сезилиб турарди. Хуллас, полиция Голландия байроғи остида сузиб бораётган кемани қўлга олганда, бу қадар оғир юк нима экани ошқор бўлди. Ҳуқуқ-тартибот посбонлари 350 та халтага жойланган оз эмас, кўп эмас, 10 тонна гашиш гиёҳванд моддасини қўлга туширишди.

ЯПОНИЯДА ЯНА ТЎҒОН

Бир ҳафта бурун мамлакатнинг Айти вилотидаги ёпирилган "Кило" тўғони қўллаб одамларнинг уй-жойларини вайрон қилган ва катта моддий зарар етказган эди.

Энди эса Япониянинг марказий ва шимоли-шарқий қисмида хуруж қилган "Этау" тўғони аҳолига кўп жабр-ситам келтирди. Ачинарлиси шундаки, тўғон ўзи билан кучли ёғинларни бошлаб келди. Жумладан, яқиндаги туманларда 700 миллиметр қалинлидаги ёмғир ёғди. Оқибатда, кучли сув тошқинлари юз берди. Чунотчи, Сибугава дарёси тошиб, Осаки шаҳри кўчаларини сув босди. Кингува дарёси тошиб, натижада 250 шаҳрида 25 киши бедарак йўқолди. Қўллаб майдон сув остида қолди, 7 мингдан зиёд уй жиддий шикастланди.

Табиий офат туфайли "Toyota Motor" корпорациясининг Япониядаги учта заводи мажбуран ёпилди. Шунингдек, Мияги туманида икита ва Ивата туманида битта завод фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

"ЧЎНТАК КОМПЬЮТЕРИ"

Электрон техника ажойиб мўъжизалар яратишга қодирлиги билан одамларни ҳайратга солимокда. Интернет хабарлари қараганда, "Asus" компанияси "чўнтак компьютери" ишлаб чиқариш ҳаракатида. "Asus VivoStick" деб ном берилиши қўллаётган ушбу компьютерлар "Inter Computer Stick" компаниясининг шундай русумдаги компьютерларига муносиб рақобатчи бўла олади дея таъкидланмокда. Уни телевизорга ҳам, мониторга ҳам бемалол улаш мумкин ва анъанавий компьютерлардек ишлайверади.

Дарвоқе, "чўнтак компьютери" узунчоқ флешкани эслатиб, узунлиги 13,8 сантиметр. Америка бозорларида нархи 129 доллар бўлиши қўллаётган бу мўъжаз компьютернинг қачон сотувга чиқиши ҳозирча номайи.

САМОЛЁТНИНГ ЭГАСИ НОМАЎЛУМ

Reuters агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, Голландияда пойтахти Амстердам шаҳрининг Шипол аэропортига қўнган юк самолёти кимга тегишли экани номаълум.

Мамакат пойтахти хавфсизлик хизмати ходимлари ушбу ҳаво лайнери Африка қитъасидан учиб келганини аниқлашди-ю, бироқ у серкўш қитъадаги айнан қайси мамлакатга тегишли эканига ойдинлиқ киритишолмади. Голландия телевидениеси эса уларга нисбатан чақонроқ ҳаракат қилиб, масалани бир қадар ойдинлаштирди. Аэропорт ходимлари телевидениега берган маълумотларга қўра, номаълум самолёт Бирлашган Араб Амирликлари фирмаларидан бирида ишлаб чиқарилган бўлиб, Кения пойтахти Найроби шаҳридаги аэропортдан парвоз қилган.

Таъкидланмиша, самолётнинг бортида бир кишининг жасади топилгани учун ҳам лайнер қайси мамлакатга тегишли эканини аниқлаш зарур.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



га озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

С. Турдиевнинг таржimai ҳолига назар соламиз. Оилали, икки фарзанди бор... Энди ўйлаб кўринг, унинг тақдири қандай чигалликка юз тутди. Ота панжара ортида, қилган ишдан пушаймон, аммо энди кеч... Нораси-

Беход МИРСОАТОВ,
Чиноз тумани прокурори.